

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 22 DEKABR, SESHANBA, 152 (7613) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайдди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳаля этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.



Олов — тилсиз ёв, деб бежиз айтишмаган. Озгина эҳтиётсизлик, бепарволик катта бахтсизликлар ва талофларни келтириб чиқариши мумкин. Асосан, қўлбола печлар, электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш оқибатда бундай ҳодисалар юз бермоқда.



Шу митти мосламадан сурункали фойдаланиш сабабли айрим болаларнинг тарбияси бузилаётгани, фанларни ўзлаштиришда орқада қолиши кузатилаётгани ҳам маълум. Берилган топшириқнинг жавобини бутун синф бир-бирдан SMS орқали кўчириб олаётгани, дарс пайтида беҳаё тасвирлар, жангари лавҳалар томоша қилиши-чи?

Наманган вилояти

ТАРАДДУД НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Наманган вилоятида муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига ўтказиладиган сайловга ҳозирлик ишлари якунига етди.

Вилоятда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 11, вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 60, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 356 округ тузилган бўлиб, улардаги 559 сайлов участкаси фуқароларнинг ўз конституцион ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун тахт қилиб қўйилди.

Вилоят сайлов комиссиясидан олинган маълумотларга кўра, сайловда вилоят бўйича 1 миллион 365 минг 800 нафар сайловчи овоз беради.

— Сайловга тайёргарлик бўйича ўтказилган семинарлар ишимиздаги камчиликларни бартараф этишда катта ёрдам берди, — дейди Чуст тумани сайлов комиссияси раиси Зиёдулла Толипов. — Туманимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи битта, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказувчи 36 округ ва 65 сайлов участкасида тайёргарлик ишлари якунланди. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга 131 минг фуқаро рўйхатга олинган бўлиб, сайлов участкаларида уларнинг эмин-эркин овоз бериши учун барча шароит яратилди.

А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири

Фарғона вилояти

САЙЛОВ ЮКСАК САВИЯДА ЎТАДИ

Фарғона шаҳрида ҳам 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни миллий қонунчилигимиз ва умумэтироф этилган демократик тамойиллар асосида ўтказишга пухта ҳозирлик кўрилди.

Сайлов округлари ва сайлов участкалари барча зарур мебель, компьютер, телефон, факс ва бошқа техника воситалари ва сайлов қонунчилигида оид ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди.

— Фуқаролар бўлажак сайловга катта қизиқиш билан қарамоқда, — дейди Фарғона шаҳар сайлов комиссияси раиси Юсуфбек Фафурбеков. — Номзодлар билан ўрашувлар, сайловга оид тадбирлар сайловчиларнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Шаҳримизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 6, шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 30 округ ҳамда 96 сайлов участкасида сайловчилар учун етарли шароитлар яратилди.

Сайловларнинг очик, ошқора ва демократик тамойиллар асосида ўтиши учун номзодларнинг тарғибот-ташвиқот ишларига тенг имконият ва шароит яратилган. Бу йил рўйхатга олинган сайловчилардан 4600 нафар йилгит-қиз биринчи марта овоз беради.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири

Қашқадарё вилояти

Илм манбаларининг замонавий тизими У баркамол авлод камолотига хизмат қилмоқда

Мамакатимизда кутубхона хизматини яхшилаш, кутубхона марказлари иш жараёнларини автоматлаштириш, электрон ресурсларни яратиш, ўлка-шуносликка оид нашрларни йиғиш ҳамда ўқувчи ва китобхона талаб даражасида хизмат кўрсатиш бугунги куннинг талабидир.

Саидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоаси китобхоналар учун кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

350 мингдан ортиқ китоб фондига эга ушбу энг мақсади 2009 йилда 4517 нуска босма нашр, 89 номдаги электрон манбалар билан бойитилди.

СУРАТДА: Саидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона маркази тажрибали кутубхоначиси Соҳида Ражабова.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат



Сурғарё вилояти

ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги ахборот-кутубхона марказида ташкил қилинган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари кўرғазма-ярмаркасида халқ таълими бўлими раҳбарлари, кутубхоначилар, ўқувчилар, ўқувчи-ёшлар ҳамда Фафур Гулом номидаги, "Ўқитувчи", "Ўзбекистон" нашриётлари ва "Тулхан", "Гуноҳ" журналлари вакиллари иштирок этдилар.

Вилоятдаги мавжуд 303 та умумтаълим мактабларининг дарсликлар ва қўлланмалар билан таъминланиши 2008 ўқув йилида 98,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 98,7 фоизга тўри келди. 2007-2008 ўқув йилида нашриётлардан 10125 нуска, 2008-2009 ўқув йилида 59 номдаги 17877 нуска бадий адабиётлар харид қилинди.

Мустақиллик йилларида китобларнинг мазмуни, дизайни ва сифатида катта ўзгаришлар юз берди.

Энг асосийси, мактаб кутубхоналари замон талабига жавоб берадиган, ўқувчи-ёшларнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган китоблар билан бойитилмоқда.

— Ўқувчиларни мукамал дарсликлар билан таъминлашда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди Ширин шаҳридаги У.Носир номи 4-умумтаълим мак-

табининг директори, "Меҳнат шухрати" ордени ва "Шухрат" медали соҳиби Абдунаби Мустофоқулов. — Чунончи, мактабларда махсус меҳнат дарсликлари йўқ. Ўқитувчиларимиз кўп ҳолларда қўшимча материаллар, "Мактаб ҳаёти" журнали манбаларидан фойдаланиш билан қийофланиб қолишади. Ўқитувчиларнинг бой тажрибалари оммалаштирилган меҳнат дарсликлари чоп этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Мутахассислар, ўқувчилар ҳамда адабиёт ихлосмандлари кўрғазма доирасида ёзувчи ва шоирлар, нашриётчилар билан ўтказилаётган ўрашувларда ҳам иштирок этишмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Куннинг муҳим воқеалари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси ўтказилиб, унда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш на-тижалари кўриб чиқилди.

Янги йил арафасида Юсуфжон кизик Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусикали драма ва комедия театри биносига қайта таъмирланиб, янги қиёфада фойдаланишга топширилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Гимнастика федерацияси ва Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида спорт гимнастикаси бўйича мураббийлар ва ҳакамлар учун техник семинар ташкил этилди.

Пойтахтимиздаги "Ўзбоулинг" марказида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган ўсмирлар ўртасида боулинг мусобақаси ташкил этилди.

ОБУНА - 2010



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" va uning ilovasi "Hayot" gazetalariga 2010 yil uchun obuna davom etmoqda. Obuna gazeta taхdирiyati va obuna uоshiruvchi tashkilotlar tomonidan naқd пуl тўлови ёки пуl ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ: "Qishloq hayoti" va "Hayot" birligida — 144 "Hayot" — 145

ЁШЛИК, МАЪРИФАТ ВА ЗАКОВАТ БАЙРАМИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган "Келажак овози" республика кўрник-танловининг якуний босқичи бошланди. Унда ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ғолиблари иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида юртимизда миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида камол топган, мамлакатни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Дав-

латимиз раҳбари ташаббуси билан таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий, ижтимоий химоя соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ушбу эзгу ва олижаноб мақсадга қаратилгандир.

Юртимизда ҳаётга кенг татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури замонавий таълим масканлари барпо этиш, маъжудларини қайта реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан янги, янада юксак поғонага олиб чиқиш имконини бермоқда.

Соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясагани, ўзвийлиги, узлуқсизлиги, босқичма-босқичлиги, миллий менталитетимизга ҳамохан экани баробарида реал иқтисодийёт тармоқларида юқори малакали ва рақобатбардор мутахассисларни етказиб бериш, ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти, қобилияти, иқтидорини

кашф этиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, илмий-ижодий изланиши учун янада кенгроқ имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг беғубор орау-интилишларини рўйбга чиқариш, истеъдодини камол топтириш, онгу шуурига фидойилик, ҳалоллик, юрт тақдирини дахлдорлик туйғуларини сингдириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда турли ва-зирлик ва идоралар, таълим даргоҳлари билан бирга ҳамроҳ ташкилотлари, жумладан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида ҳам устувор ўрин тутди.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агроекономика ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва идоралари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғоқдежадастар", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат сановати", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўзагромушхўра", "Ўзғўштусаноат" уюмлари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Ўзрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари қасаба уюмчаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қашқадарё Вилояти

Обод қишлоқлар

ПЎЛАТИНИНГ ҚИЁФАСИ ШАҲАР БИЛАН ТЕНГЛАШДИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан "Энг яхши қишлоқ" республика танловининг вилоят босқичида Косон туманидаги Пўлати қишлоғи ғолиб деб топилди.

Бу қишлоқ, унинг мард ва танти, саховатпеша ва бағрикенг инсонлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Қуёнарлиси, мустақиллик шарофати билан бу ерда эл-юрт таълим-тарбия камарбаста янги авлод камол топяпти. Истиклол йилларида олиб борилган ислохотлар, қолаверса, пўлатликларнинг фидойилиги, изланувчанлиги ва тиниб-тинчимаслиги туфайли қишлоқ таниб бўлмас даражада ўзгарди. Пўлатидаги Нурафшон, Бешкўтон, Бунёдкор маҳалларида кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Бир неча хусусий савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди.


этибор билан тилга олинади. Шерамат Чўлпиев, Хусниддин Шоймардонов, Дўстмурод Қулмуродов, Ихтиёр Раҳматовлар иссиқхона ташкил этиб, лимон етиштиришда донг таратишга ташаббус бўлишса, Фулом Бобоназаров бошлиқ "Дунё белгиси" фермер хўжалигида 5 минг бош парранда парвартиш қилинапти. Санжар Имомовнинг Хитойдан келтирилган замонавий усқуналар билан жиҳозланган нон пишириш мини-цеҳи эл дастурхонига кунига 7 минг дона сифатли нон етказиб берапти. Мазкур цеҳда 25 киши иш билан ташкилланган. Алишер Омонов етакчилиги қилаётган "Дилмурод Оллонов" фермер хўжалигининг 120 бош қорамоли, 300 бошга яқин кўй-қўзиси, 25 бош туяси бор. Яқинда ишга тушган "Нур" қишлоқ врачлик пунктида эмлаш, тахлил қилиш, стоматология, физиотерапия хоналари мавжуд. Уларда



биз билан суҳбатда 90 ёшли ота-хон Мурод бобо Қўйбоқаров. — Оддий деҳқон фарзанди Музаффар Мирзаев раҳбарлигидаги фермер хўжалиги жорий йилда 64 миллион сўм ялпи даромад қўрибди. Олинган соф фойда ҳисобидан Бешкўтон маҳалласидаги 3 километрлик йўлни асфальт қилди, табиий газ олиб келди. Савдо дўкони, чойхона қурмоқда. Набирам Зафар Тўраев Мерганча кўчасидаги 4 километрлик йўлни асфальт қилди. 12 та хонадонга газ ўтказишда бош-қош бўлди. Шерамат Саидов эса тўйхона барпо этипти. Юқорида тилга олинган ўзгаришлар Ўзбекистон халқ шoirи Жуманиёз Жабборовнинг қуйидаги қалб сўзлари билан муштарак: "Яхши ният яхши экан-да. Яқинда қишлоғимга бориб, бундан ўттиз йил муқаддам тасвирланганидан минг чандон ортиқроқ манзаралар

худди минг бир кеча эртақларидагидай кўз ўнгимда намоён бўлиб турганлигини кўриб, бошим осмонга етди. Кенг, кўркам, чароғон кўчалар, замонавий автобекатлар, кўм-кўк стадион ва спорт иншоотлари, тўйхона, мактабу шифохона, обод холи-жойлар, қувурларда келтирилган тоза ичимлик суви ва фаворалар, хонадонлардаги зангори олов... Ҳаммадан аълоси одамлар чекрасидаги, рўҳиятидаги, маънавиятидаги мислсиз ўзгаришлар. Бу — Пўлати қишлоғининг бугунги қиёфаси! Йўқ, янглишдим, қишлоқ эмас, шаҳарча! Бу манзилга қир-веришда катта-катта харфлар билан "Пўлати шаҳарчасига хуш келибсиз!" деб ёзиб қўйилгани бежиз эмас".

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.
Муродулло КОМИЛОВ олган суратлар.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов

Ўзбек адабиёти оғир жудодликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Одил Ёқубов шу йил 21 декабрь куни 83 йилда вафот этди. Одил Ёқубов 1926 йили хизматчи оиласида туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945-1950 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. 1951-1956 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида тахсил олди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, "Литературная газета"нинг республикамиз бўйича махсус мухбири, "Ўзбекфильм" киностудиясида ва Кинематография давлат қўмитасида бош муҳаррир, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси ва Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти лавозимларида хизмат қилди.

Одил Ёқубов катта ва сермазмун ижод йўлини бошиб ўтди. Адибнинг биринчи йирик асари "Тенгдошлар" қиссаси 1951 йилда нашр этилди. Қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Одил Ёқубов яратган ўнлаб насрий китоблар, жумладан, "Икки муҳаббат", "Муқаддас", "Қанот жуфт бўлади", "Биллур қандиллар", "Излайман" каби қиссалар, "Эр бошига иш тушса", "Улуғбек хазинаси", "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", "Адолат манзили" сингари романлар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг мураккаб тарихи ва бугунги ҳаёти катта маҳорат билан ақс эттирилган бу асарларнинг аксарияти кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилган. Одил Ёқубов бадиий проза билан бир қаторда драматургия ва публицистика жанрларида ҳам самарали ижод қилиб, ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этди. Атоқли ёзувчининг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистон халқ ёзувчиси" фахрий унвони, Давлат мукофоти, "Дўстлик" ва "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Одил Ёқубовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б.АЛИМОВ, П.КОДИРОВ

— Худудимизда 5 та умумтаълим мактаби, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 43 та фермер, 20 та деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатади. — дейди Пўлати қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Оракулов. — Ахборот-технологиялар касб-хунар коллежиди 650 нафар ёш таълим-тарбия оляпти. Бу ерда нафақат пўлатлик, балки кўшни Бўлмас, Ушқотпа қишлоғи йиғит-қизлари ҳам касб-хунар ўрганоқда. Хомийлар ҳисобидан 5 минг томошабинга мўлжалланган стадион, 6 та бекат, маҳалла гузари, мебеллар уйи, "Никоҳ уйи", 18 та савдо дўкони бунёд этилди, нотариал идора хизмати йўлга қўйилди. Бу "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига амалий жавобимиздир.

"Халқ банки", "Агробанк" ва "Микрокредитбанк" шохобчалари, Пўлати МТП давлат акциядорлик жамияти, электр тармоғи участкаси, ички ишлар таянч пункти юрт



тинчилиги ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилляпти. Қишлоқда тadbиркор ва ишбилармонларнинг номи ҳурмат-

малакали шифокорлар эл соғлиғига камарбаста бўлмоқдалар. — Бу кунларни аждодларимиз орзу қилиб ўтиб кетди, — дейди

ҲАМОНДА БИР ШИНО

ШОН-ШАРАФ ЁДГОРЛИГИ ЯНА МОЖАРО САБАБЧИСИ

Грузиянинг Кутаиси шаҳрида 1981 йилда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар шарафига бунёд этилган Шон-шараф ёдгорлигининг 19 декабрь куни яқсон қилинган мамлакатда ва ундан ташқарида, айниқса, Россияда катта шашува ўйотди.

Темир консулция ва бетон плиталардан бунёд этилган бу ёдгорлик тўқсончи йилларда бир неча марта талон-тарож қилинган бўлиб, кейинчалик Кутаиси маъмуриятининг ёдгорлигини таъмирлаб, асл ҳолига қайтариш шарт эмас, деган ҳулосасига биноан шу ҳолига турган эди. Кутаиси шаҳри жойлашган Имерети вилояти губернатори Михаил Чоговадзенинг қарорига биноан ёдгорлик бузиб ташланиб, унинг ўрнида парламент биноси қурилиши бошланиши лозим эди. Мустақкам қилиб қурилган ёдгорликни фақат портлатиш орқали бузиш мумкин бўлгани боис бу вазифа "Грузэврпро" хусусий корхонаси зиммасига юкланди. Корхона ходимларининг ёдгорликни портлатиш чоғида тегишли хавфсизлик чораларига амал қилмагани боис Эка Жинчарадзе исми аёл ва унинг саккиз ёшли қизалоғи бетон бўлағи остида қолиб, ҳаётдан кўз юмди. Яна етти нафар киши турли жароҳатлар билан Кутаиси марказий касалхонасига жойлаштирилган, улардан уч нафарининг аҳолиси жуда оғир.

Ушбу аянчи воқеа туфайли Грузия президенти Михаил Саакашвили Дания бўйлаб сафарини тўхтатиб, тезкор равишда мамлакатга қайтишга мажбур бўлди. Президент томонидан ушбу воқеа юзасидан қўрилган дастлабки чора Имерети вилояти губернаторини ўз вазифасидан бўшатиш бўлди. Грузиядаги мухолифат кучлар оммани норозилик намойишига чиқишга ва мамлакат ички ишлар тизими масуулларининг вазифасидан четлатилишини талаб қилишга даяват этмоқда.

ВАШИНГТОН ВА МОСКВА: ҚОР БЎРОНИ ИСКАНЖАСИДА

Кейинги уч кеча-кундузда АҚШнинг бир неча штаги, шунингдек, Россия ва Украинада кузатилаётган кучли қор бўронлари ва қалин қор ёғиши туфайли бир неча оҳолни зич яшайдиган шаҳарларда электр таъминоти, транспорт ҳаракати ва темир йўл фаолиятида жиддий муаммолар юзага келди.

Украинада юзлаб аҳоли пунктлари иссиқлик, энергия таъминотисиз қолди. Факулдада вазиетлар вазирилик, турли кўтқарув хизматлари ходимларининг энг замонавий техника анжомлари воситасидаги тинимсиз сай-харакатлари ҳам кутилган натижани бермаёттир. Кейинги кунлар ичида қор бўрони остида қолган қарийб 4800 та автомашинани, 9 мингдан ортиқ фуқарони кўтаришга тўғри келди. Россия пойтахти Москва шаҳрида ҳам об-ҳаво инжиқлиги жуда кўп муаммоларни юзага келтирди. Хусусан, қор суғурвчи техникаларнинг тинимсиз ишлаётганига қарамай, кўчалар қор юмларига тўлиб кетган. Транспорт йўллари мунтазам тиклиниш. Москванинг коммунал хизматлар бошқармаси хамшаҳарларига қарата қор ёғиши ва бўронлар тинимганча шахсий автомобиллардан фойдаланмаслик мақсадда мувофиқлиги ҳақида махсус мурожаатнома эълон қилди. Худди шундай ҳолат АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида ҳам кузатилоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Бухоро Вилояти

МАҲСУЛДОРЛИК АСОСИЙ КЎРСАТКИЧ

Олот туманидаги Чандир қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган "Тўлқин" фермер хўжалиги ихтиёрида 60 бош қорамол парвартиш қилинмоқда. Уларнинг 15 боши эса соғин сирлардир.

Фермер хўжалиги раҳбари, соҳанинг сир-асорларини пухта эгаллаган қишлоқ мулкдори Барот Жаббиев қорамолларнинг наслини яхшилаш ва улардан олинладиган маҳсулот салмоғини оширишга алоҳида эътибор қаратади.



Шу боисдан ҳам хўжаликда қўлга киритилаётган кўрсаткичлар салмоқли бўляпти. Жорий йил хўжаликда 4 тонна гўшт ва 30 минг литрдан ортиқ сут ишлаб чиқаришга эришилди.

кўрғанимиз боис қиш фаслида ҳам қорамоллар маҳсулдорлиги кўнгилдагидек бўляпти, — дейди фермер Барот Жаббиев. **СУРАТДА:** қишлоқ мулкдори Барот Жаббиев.

— Чорва қишлоғига пухта тайёргарлик **Ҳамроз АЛИ олган сурат.**

ЁШЛИК, МАЪРИФАТ ВА ЗАКОВАТ БАЙРАМИ

(Боши 1-саҳифада) Жамгарма томонидан ўтказилаётган турли иқтимоий-маърифий лойиҳалар, хайрия тadbирлари, ижодий беллашувлар, викториналар, фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, ижодий анжуманлар, қўрғазма ва фестиваллар, санъат ва маърифат ҳафталиклари ёшларнинг ўз интилиши ва кизиқиши бўйича касб-хунар эгаллашга кўмаклашиш, улар жамиятимизнинг том маънодаги ишончи ва таянчига айланишига хизмат қилмоқда.

Жамгарманинг юртимиз ёшлари орасида тобора катта эътибор ва қизиқтиришга оид шундай лойиҳалардан бири "Келажак овози" республика кўрик-танловидир. Ушбу беллашув илм-фан, бадиий ижодийнинг турли йўналишларида доимий изланишда бўлган иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг илмий тadbирлари ва ижодий лойиҳаларини амалга ошириш учун яқиндан кўмақ кўрсатиш, келгусидаги фаолияти учун қўлай имконият ва шароит яратишда катта аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги танлов архитектура ва дизайн, ахборот коммуникацияси ва технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, аънанвий бадиий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби тўрт номинациянинг ўн беш йўналиши бўйича ўтказилмоқда. Танловнинг яқиний босқич иштирокчилари Тошкент давлат техника университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети каби юртимизнинг етакчи олий таълим даргоҳлари, Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйи, Ёшлар ижод саройи каби маданият ва санъат қошоналарида турли номинациялар бўйича ўз билим ва иқтидорини намойиш этишлари, лойиҳаларини илмий жиҳатдан ҳимоя қилдиладилар. Пойтахтимизда бир ҳафта давом этиб, ёшлик, илм-маърифат, заковат байрамга айланажак ушбу кўрик-танлов доирасида турли қизиқарли маданий тadbирлар, ижодий анжуманлар, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, семинар-тренинглр ўтказилиши кўзда тутилган.

Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими 26 декабрь куни бўлади. **Назозат УСМОНОВА,** **ЎЗА мухбири**

Тошкент Вилояти

МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Ангренидаги Нуробод шифохонаси маъмурияти Янги йил байрами олдидан ўтказилган тadbирда самарали меҳнатлари билан эътибор топган бир гуруҳ ходимларни эсдалик совғалари ҳамда пул мукофоти билан рағбатлантирди.

— Шифохонамиз нафақат Янги Ангрени иссиқлик энергетика станцияси жойлашган ҳудуд, балки ён-атрофдаги Оҳангарон тумани қишлоқлари аҳолисига ҳам тиббий хизмат кўрсатади, — дейди шифохона бош шифокори Инобат Эгамбердиева. — Шунинг билан тиббиёт бўлимидаги кенгайтиришлар. Утган йили шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар кўмагида шифохона бизнесининг томи ва ички қисми таъмирланиб, иссиқ сув ҳамда совуқ сув тармоқлари янгиланди.

либ, бу ерда боғ яратилди, сабзавот экинлари экилди. Ҳозирги кунда ошхона учун ўзимизда мева ва сабзавот маҳсулотлари захираси мавжуд.

— Жамоанинг мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим саналар ва касб байрамлари муносабати билан ўтказиладиган ҳар бир тadbирда иштирок этаман, — дейди нурободлик маданият ходими Элёр Шоймардонов. — Мен ижро этган қўшиқлар ўзларининг касб маҳоратлари, ширин сўзлари билан беборлар дардига дармон бўлаётган шифокорларга, эл-юртга манзур бўлаётганлигини бахтиёрман.

Бундан ташқари, шифохонамиз экинидидаги 1,5 гектарлик ташландиқ майдон ўзлаштири-

Мунаввара ИСОКУЛОВА, "Qishloq hayoti" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

Уй-жой қурилиши: Тартибга риоя этган ютқазмайди

Жамиятимизда бўлиб турадиган ер, ҳовли, уй-жойлардан фойдаланиш тартиби бўйича узоро низолар, тушунмовчиликлар аксарият ҳолларда қонунни билмаслик натижасида келиб чиқади. Шу боис бу ҳақдаги қонунчилик билан яқиндан таништирсангиз.

Қамола НОРОВА

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида: "Ер умумийлиги бўлиқдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофазат қилинади", дейилган.

Турар-жой хусусий ёки давлат мулки бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкчиликнинг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши мумкин.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқининг субъектларидир.

Турар-жойга бўлган мулк ҳуқуқи мuddатсиз бўлиб, Фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқиладиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахсининг ўзига тегишли турар-жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига қўра эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Турар-жойларнинг қурилишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 11-моддасига асосан турар-жой мулкдори ўзига тегишли иморатнинг ички лойиҳаларини ўзгартириш, уни қайта қуриш учун туман ҳокимиятининг рухсатномасини олиши зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли қарори билан тасдиқланган

Қорақалпоғистон Республикаси «ХУНАРМАНД»НИНГ ИБРАТИ

Тadbиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очиб берилганлигини кўлар қатори Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи Ойзода Нурмултоева ҳам унумли фойдаланди.

У бундан беш йил аввал миллий хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида "Хунарманд" кичик корхонасини ташкил қилганди. Айни пайтда корхонада 22 нафар хотин-қиз каштачилик, ўтовларни безаш учун қуроқ қўрпачалар, ҳар хил гулбоқлар тайёрлашмоқда.

— Тез кунларда яна бир неча тикув машинаси харид қилиб, каштачилар сонини 40 нафарга етказмоқчимиз, — дейди Ойзода Нурмултоева.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқарарё Вилояти

БОЗОР ҲАЁТИМИЗНИ БЕЗАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойиши ишмида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилапти. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш ўзининг самараларини берапти.

Уларнинг бевосита ҳомийлигида бозорга кириб-чиқиш айвони барпо этилди. Бунинг учун 86 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Уни МҲЖ қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги қурувчилар бригадаси қисқа муддатда бунёд этди. Бундан ташқари улар бозорда жорий таъмирлаш ишларини ҳам олиб боради. Саккиз нафар ишчи хизмат қилаётган мазкур жамоа кучи билан бунёдкорлик ишларида тежамкорликка ва хара-

жатларни камайтиришга эришилмоқда. Бозоримиз замонавий усулда бунёд этилмоқда, 945 нафар тадбиркорнинг соф даромади эвазига замонавий қурилиш ашёларидан дўконлар барпо этилмоқда. Бозордан тушаётган айланма маблағнинг 50 фоизи ўзимизда қолдирилиши ишмида олға силжишида бош омил бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларидаги тушум 277 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган

йилнинг шу давридаги нисбатан 87 миллион сўм кўпдир. 2009 йилда тадбиркорлар томонидан 10 та савдо шохобчаси қурилиб ишга туширилди. Ўзбекистон — Германия "Савдогарбанк"нинг шохобчаси шу йил бошидан иш бошлаган эди. Пул тушумларини компьютерлаштирилган банк дастури асосида олиб бордик. Беш нафар назоратчимиз ҳам банк ходимлари билан ҳамкор бўлишди. Бу пировардида пул тушумларининг кўпайишига имкон берди. Бундан ташқари, ҳудудда солиқ, милиция таянч пунктлари, Давлат санитария назорати ходимлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Қарши шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли "Қўриқлаш" хизмати билан шартнома асосида иш олиб бораёلمиз.

Ғафур АШУРОВ,
Қарши "Буюм бозори"
ОХЖ раиси вазифасини
бажарувчи.

Қорақалпоғистон Республикаси

Эликқалъа туманида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамда Отажон Худойшукуров номидagi жамғарма ҳамкорлигида ёш хонандаларнинг "Нафосат бўстони маним" номли кўрик-фестивали ўтказилди.

ЁШ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИ КАШФ ЭТИЛДИ

Юртимизда халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг миллий санъатимизга бўлган меҳрини янада ошириш, иқтидорли аъёнанивий кўшиқ ижрочилари, эстрада хонандалари, бахшилар, ҳайкалтарош, хунараманд, рассомларни кашф этиш мақсадида Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб ўтказилган ушбу кўрик-фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган истеъодли ёшлар қатнашди.

Кўрик-фестиваль якунига кўра аъёнанивий ижрочилик йўналишида Хушнуд Эштўтаев, Темур Худайшукуров, Анвар Матмуратов, эстрада йўналиши бўйича Азиза Низамова, Гайрат Бекчанов, баҳши, халфа ижрочилигида Дилмурод Гулмуратов, Муяссар Жуматова, рассомчиликда Шохиста Инагамова, Севара Қосимова, ҳайкалтарошлиқда Ёлқин Мирзабақаров, хунарамандчилик йўналиши бўйича Гулчеҳра Маматқулова биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиблар ташкилотчи ва ҳомийларнинг қимматбахшо совғалари билан тақдирландилар. Тадбир сўнида кўрик-фестиваль ғолиблари ва санъаткорлар томонидан гаала-концерт намойиш этилди.

Хусан БУРҲОНОВ,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассиси.

Сурдарё Вилояти

БИНОЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

Олов — тилсиз ёв, деб бежиз айтишмаган. Озгина эҳтибсизлик, бепарволик катта бахтсизликлар ва талофатларни келтириб чиқариши мумкин. Асосан, қўлбола печлар, электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш оқибатида бундай ҳодисалар юз бермоқда. Шунингдек, баъзи газ узатиш корхоналарида "зангори олов"ни огоҳлантирмасдан ўчириш ҳоллари содир этилмоқда.



Бу эса қўлланмада ёнғин чиқиши ва бахтсизлик юз беришига олиб келаётган. Шу боис ҳар йили ўтказиладиган тадбирлар давомида аҳоли ўртасида, газ ва электр энергияси тарқатиш корхоналари, ўқув юртлари ва бошқа муассасаларда ёнғиннинг олдини олиш бўйича кенг профилактик-тушунириш ишлари олиб борилмоқда.

Сирдарё вилояти ИИБ ЕХБ тизими ходимлари ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида катор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ойликнинг ўтган даври мобайнида 882 та корхона, 305 та мактаб, 45 та олий ва ўрта махсус таълим муассасаси, 212 та шифохона ва кишлоқ врачлик пункти, 63106 та аҳоли хонадонини, 1188 та кўп қаватли уйлarning ёнғин хавфсизлиги ҳолати ўрганиб чиқилди.

— Ўтказилган текширувлар жараёнида

ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилган 107 ҳолат юзасидан тегишли рақбар, моддий жавобгар шахс ва фуқароларга 1295933 сўм миқдорида жарима солинди, — дейди вилоят ИИБ ЕХБ бошлигининг ўринбосари Алижон Муҳаммадиев. — Ёнғин чиқиш хавфи сезилган 76 та маскан, бино ва иншоотнинг иш фаолияти тўхтатилиб, 824 та носоз электр ва газ жиҳозларидан фойдаланишга чек қўйилди. Фавқулодда ҳолатларда захира чиқиши йўллари ўрганиш бўйича мактаб, богча, меҳрибонлик уйлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари, давлолаш муассасаларида машқлар ўтказилди.

Ҳозирда вилоятнинг барча туманларида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбири уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ
Volkswagen
PASSAT
2009 йил ишлаб чиқарилиши
Ливанга солиб олиш мумкин.

Махсулот сертификатланган
Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан
Тел.: (+99871) 140-00-62,
(+99890) 317-67-97

Тошкент ш. Ер тузиш ва кўчас мўлк кадастри хизмати Давлат унитар корхонаси томонидан 13.12.2007 йили 2452270440 рақамли Тошкент ш. Миробод т. Янгиёмон кўчаси маъмулий жойлашган, Раҳмонов Нозима Ташкентга наомига берилган магазин ва офис биноси ер кадастр ва АТЗ ҳужжатлари йўллангани сабабли бекор қилинди.

ДП "ENERGO-PLAST-MONTAJ" (ИНН 204748603), регистрланган инспекция по регистрации субъектов предпринимательства хошимията Шайхантауровского р-на г.Ташкента реестр № 003464-09 от 31.07.2009 г. ликвидируется (на основании приказа учредителя УЭОИ). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. А.Кодирий, остонов, комплекс "UZIMPOLIMER", Тел.: 442-58-30.

ДП "SPETSMONTAJ NEFTGAZ" (ИНН 300709444) сообщает о реорганизации. Правотпреемником ДП является СП ООО "NEFTGAZQURILISH INJINIRING" (ИНН 205868500). Претензии принимаются по адресу: г.Ташкент, ул.Муавин, 178. Тел.: 273-08-58.

Утеренный кадастр-гүвоҳнома за № TS 0613490 от 14.10.2003 г. и план дома (БТИ) на жилой помещенине расположенное по адресу: Сергеевский р-н мас-Спутник-16, д.15 кв.1, выданный на имя Абдулмджидова Абдусаттора Абдуганиевича, считать недействительным.

Жаҳонга машхур бўлган «The Banker» журнали томонидан 2009 йилда Ўзбекистоннинг энг ахши банки деб тан олинган

«АГРОБАНК» ОАТБ

ўз акциядорлари, шижозлари, барча ҳалиюртлари мизни ақинлашиб келаётган

2010 йил - Ўнги йил байрами билан сизқидилдан табриклайди! Ўнги йилда Сизларга соғлиқ, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!

Байрам шарофати билан "АГРОБАНК" ОАТБ Сизларга куйидаги янги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф этади

Омонат	Муддати	Фоииз ставкаси	Маблағларни қабул қилишнинг тўхтатилиш муддати	Омонат шартлари
"Янги йил совғаси"	1, 3, 6, 9 ва 12 ойгача	26 % Жамғарма	20.02.2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоиизларни олиш ҳуқуқига эга. Омонатчи омонатнинг ҳаракат даври мобайнида қўшимча бадаллар қўшиб бориш ҳуқуқига эга. Қўшимча бадаллар миқдори чегараланмайди.
"Баркамол авлод — 2010 йил"	6 ой	27 % Муддатли	30.06.2010	Омонат эгаси маблағ қўйилган кундан сўнг ҳар ойда омонат учун ҳисобланган фоиизларни олиш ҳуқуқига эга. Ҳисобланган, лекин олинмаган фоиизлар омонатнинг асосий суммасига қўшилмайди.
	12 ой	28 % Муддатли		



"АГРОБАНК" — ЮРТ ОБОДИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 "а"/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда "ВАХТАВБ" автомобиллари ҳам мавжуд.

Утеренная круглая печать и угловой штамп, выданный ООО "LANTANA-SERVIS" (ИНН 205721526) Янгиёмонского р-на Ташкентской обл., считать недействительным.

Утеренная круглая печать и угловой штамп, выданный ЧП "ADEZAN-BIZNES" (ИНН 300875525), зарегистрированное в Киррайском р-не Ташкентской обл., считать недействительным.

Утеренный план дома, расположенный по адресу: г.Ташкент, Мирабадский р-н ул.1-Кунаева, д.37-37а, выданный Яхсарайским БТИ на имя Шарипова Умара Иргашевича, считать недействительным.

ДП "Snowberry Trading LTD" сообщает об уменьшении Уставного фонда с 750 000 долларом США до 747 885 долларом США. Претензии принимаются по тел.: 254-92-20.

Утеренный гос.ордер № 04-02/10742 от 05.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Борисовой Ирины Яковлевны, считать недействительным.

Утеренное регистрационное свидетельство, выданное Министерством Юстиции РУз за № 858 от 21 апреля 2008 г. СП ООО "KAPITAL PROGRESS", считать недействительным.

Дарахтлар оппоқ либос кийиб, ерлар муз қатлами билан қопланган изгиринли киши кунларидан бирида сирпаниб-туртаниб мактабдан қайтар эканмиз...

БАЙРАМДА ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСИН

— дея гап қўшди ўрта ёшлардаги сотувчи аёл. Демак, талаб ва таклиф бир-бирига зид ёхуд номувофиқ эмас...

— Болаларга байрамга атаб 2 кути пақилдоқ олиб бердим. — деб бу ҳақда гап бошлаб қолди 2 нафар фарзанднинг онаси бўлган бир танишим. — Роса хурсанд бўлиб ўйнаб юришибди...



Давлат божона қўмитасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қайд этилган 90 га яқин қўнувбарлик ҳолатларида огирлиги 14 тоннадан ортиқ 12 млн. донага яқин пиротехника воситалари олиб қўйилган...

Сирдарё вилояти ҳудудида катта йўл четига тахлаб қўйилган қозғоқ қутилар ёнида автобус қутиб турган аёл вилоят божона бошқармаси ходимларининг диққатини тортди.

Болалар соғлиги ва ҳаёти учун қай-қуриши, уларнинг бир умрга мажрўх бўлиб қолишидан қўрқиб қўриқиб бўлган бу шахс Яратган ато этган аёллик ва оналик туйғуларини унутган қўриқибди...

Навоий вилояти божоначилари «КамАЗ» русумли автомобиллари тўхтаб, тегушли назоратдан ўтказганларида фуқаро Б.Божонов қиймати 2 млн. сўмдан зиёд бўлган Хитойда ишлаб чиқарилган жами 6 минг донага яқин пиротехника воситаларини ишонқуний тарзда олиб кетаётгани аниқланди.

Шундай экан, яқин кунларда эзгу ният ва ширин орзулар, юксак марта ва хайрли мақсадларни дилмиызга тугайлик. Зеро, байрам кунларидеги кўтаринкилик, хурсандчилик бутун ҳаётимиз давомида ҳамроҳ бўлсин.

Феруза ЭҒАМОВА

МИТТИ «ЎЙИНЧОҚ»НИНГ КАТТА ТАШВИШИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳномлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, узоқини қўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат натижасида юртимиз оқилсодиёти, ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди.



Бугунги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш мушкул. Кўнчиқар мамлакат ёхуд фарбий яримшардаги танишимиз билан ўрнимиздан жилмасдан сўзлаша оламиз. Яна симсиз. Бу ҳозир шунчаки одатий ҳол.

Маълумотларга кўра, дунёдаги биринчи телефонга 1876 йилнинг 14 февралда иктиросифатида патент олинган.

Орадан тахминан бир аср ўтиб, 1973 йилнинг 3 апрелида Motorola компанияси раҳбари Мартин Купер симсиз телефон орқали ўз рақобатчилари билан сўзлашадиган муваффақ бўлди.

Уш аппарат гўштак келарди, деб эслайди Мартин Купер. Узуниги 25, эни ва қалинлиги 5 сантиметрдан зиёд алоқа воситасининг огирлиги бир килограммдан ошарди.

Тараққиёт бир ҳойда тўхтаб турмаганидек, жаҳиятдаги соҳа ва тармоқлар босқичма-босқич ривожланаверади.

Хозирги вақтда нафақат катта шаҳарлар, балки юртимизнинг тоғли қишлоқлари, олис овулариде ҳам замонавий телекоммуникация тизимлари — интернет, мобиль телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатиши ўз ичига оладиган сервис шохобчалари тобора кўпаймоқда.

Шу билан бирга, техника тараққиётининг онгли ривазида ҳимояланиш, парҳез қилиш лозим томонлари ҳам мавжуд.

Мобиль телефондан чиқадиган радиация инсон саломатлигига қанчалик катта зарар келтиришини бугун исботлашга ҳожат йўқ. Бу тўлқин айнқиса ёшлар, болалар миясига салбий таъсир кўрсатиб, улардаги нормал ўсш жараянини бузади.

Мобиль телефондан чиқадиган радиация инсон саломатлигига қанчалик катта зарар келтиришини бугун исботлашга ҳожат йўқ. Бу тўлқин айнқиса ёшлар, болалар миясига салбий таъсир кўрсатиб, улардаги нормал ўсш жараянини бузади.

Ушундан тўхташи, ўсимталар пайдо бўлиши, хотира сусайиши, иммунитет пасайишини шифокорлар катта ташвиш билан бот-бот таъкидлаётди.

Қолаверса, шу митти мосламадан сурункали фойдаланиш сабабли айрим болаларнинг тарбияси бузилаётгани, фанларни ўзлаштиришда орқадда қолиши кузатилаётгани ҳам маълум.

Мобиль телефонларни бугун мультфильм ва эртақларни ордта қолдирган оҳанрабога қивс-лаш мумкин. Овқат қилаётган ё кир юваётган она, футбол кўраётган она, футбол кўраётган она, футбол кўраётган она, футбол кўраётган она...

— Боламга телефон олиб берган бўлсам, бунинг нимаси ёмон, — дейди бир қўшним. — Каердалигим доим на-зарот қилиб тураман.

Халқимиз азалдан фарзанд тарбиясини, унинг иқболни биринчи ўринга қўйиб келган. Шундай экан, болаларимизни «сотка савдоси»га мубтало бўлишидан асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Озод РАҲАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

СПОРТ "ПАХТАКОР" МУРАББИЙЛАР ШТАБИДА ЎЗГАРИШ

2010 йил футбол мавсумини "Пахтакор" жамоаси янги мураббий билан бошлайди. "Пахтакор"нинг аввалги мураббийи Виктор Романович Жалилов ўзини черногориялик мутахассис Миодраг Радловић эгаллади.

"Барселона" — жаҳон чемпиони! Каталониянинг "Барселона" клуби ўтган бир йил давомида иштирок этган жами олти расмий мусобақанинг барчасида ғолиб чиқди.

ЧИЛЛАНИНГ ҲАР ДАМИ ТИЛЛА Борлиқ қиш ҳукмида. Табиатнинг фусункор фасли ўз зийнатларини намойиш этмоқда.

Qishloq Qurilish Bank Moody's Investors Service Очик акциядорлик тижорат банки "Кишлоқ қурилиш банк" "B1/NP/E+" даражасига кўтарилгани таъкидланди.

ЧИЛЛАНИНГ ҲАР ДАМИ ТИЛЛА Борлиқ қиш ҳукмида. Табиатнинг фусункор фасли ўз зийнатларини намойиш этмоқда.

Бурж Ташкилот Давлат Медицина академияси томонидан 1983 йили Муҳитдодов Умидхон Хусниддинова номига берилган ИВ-И № 298465 рақамли диплом йўқолигани сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир ЧОРИ ЛАТИПОВ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҒРИЕВ, Фулмон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саиддин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахман БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБЕКОВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХУЖАЕВ.